

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 31.05.2019. Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВА МЕҲРИНСО МУСИНОВА

ИНГЛИЗ, ЎЗБЕК ВА ТОЖИК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИДА «ГЎЗАЛЛИК»
КОНЦЕПТИНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.06. – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро шаҳри – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Рахматова Меҳринисо Мусиновна

Инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиятида «гўзаллик»
концептининг лисоний хусусиятлари..... 5

Рахматова Меҳринисо Мусиновна

Лингвистические особенности концепта «красота» в английской,
узбекской и таджикской национальных культурах..... 24

Rakhmatova Mehriniso Musinovna

Linguistic features of «Beauty» concept in English, Uzbek and Tajik
national cultures..... 46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 49

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 31.05.2019. Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХМАТОВА МЕҲРИНСО МУСИНОВНА

ИНГЛИЗ, ЎЗБЕК ВА ТОЖИК МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИДА
«ГЎЗАЛЛИК» КОНЦЕПТИНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fil161 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (buxdu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Абди Эшонкулович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абузалова Меҳринисо Қодировна
филология фанлари доктори

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги PhD.31.05.2019.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0365) 221-29-14, факс: (0365) 221-27-57, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел: (0365) 221-29-14).

Диссертация автореферати 20__ йил «__» _____куни тарқатилди.
(20__ йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.К.Бакаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол. ф. д.

Н.Ф.Қосимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф.ф. д.(PhD)

М.М.Жўраева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол. ф. д., (DSc)

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида оламнинг миллий, лисоний манзараси, турли миллатлар эстетик кадриятлари, турмуш тарзи ва анъаналарининг тилда ифодаланишини концепт нуқтаи назаридан асослаш масалаларига алоҳида диққат қаратилмоқда. Концепт лисоний хусусиятларининг тиллараро чоғиштирма-функционал тадқиқи лингвистикада етакчи парадигма сифатида тан олинган антропоцентрик назария доирасида янги тенденцияларнинг юзага келишини таъминловчи омиллардан ҳисобланади. Концептлар таркибидаги образлар структурасининг халқ миллий маданияти, дунёқарашининг шаклланиши билан боғлиқлиги мазкур миллатнинг тафаккури, эстетик онги, менталитети ҳақида тасаввур ҳосил қилиши ва унинг кадриятлари, маданияти, урф-одатларини авлоддан авлодга етказиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида тил ва маданият муаммоларининг антропоцентрик йўналишда тадқиқ этилиши турли миллатлар эстетик онги, тафаккури ва баҳолаш категориясининг лисонда ифодаланиш тамойиллари, менталлик ва миллат менталитетининг тилда акс этиш ҳодисалари аксиология, семиотика, прагматика концептология ва лингвомаданиятшунослик соҳасига оид тадқиқотларини янада жадаллаштирди. Натижада тафаккур бирлиги бўлган концептларнинг лексик-семантик майдонини яратиш, уларнинг лисоний тафаккур харитасини шакллантириш, тил бирликларининг концептуал изоҳига доир амалий натижаларга эришилди. Айти пайтда миллий-маданий жиҳатдан фарқланадиган Шарқ ва Ғарб кадриятини ифодаловчи уч тил тизимидаги концептларнинг лисоний хусусиятларини асослаш, баҳо категориясининг лисонда ифодаланишини ўрганиш, тил бирликларининг маданиятлараро концептуал муштарак ва фарқли жиҳатларини жаҳон тилшунослигининг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда тадқиқ қилиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Мамлакатимизда таълим ва маънавият давлат сиёсати даражасига кўтарилган даврда «...ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз»¹. Ёш авлоднинг илмий салоҳиятини такомиллаштиришда инновацион ғояларнинг устувор стратегик йўналиш сифатида белгилаб қўйилиши чет тилни ўргатишда тилнинг концептуал хусусиятлари, миллий-маданий факторларнинг аҳамияти амалий тилшуносликнинг илмий изланишлар кўламини кўтаришни устивор вазифа сифатида белгилаб берди. Ўзбекистонда хорижий тиллар, хусусан, инглиз тили бўйича турли лойиҳаларнинг амалга оширилиши, инглиз, ўзбек ва

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 14.

қўшни давлатлар халқлари хусусан тожик халқи ўртасида маданий, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг янада мустаҳкамлашуви пировардида ёшларга хорижий тилларни ўргатиш янги даврини бошлаб бериш учун мустаҳкам асос яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тилшуносликда олам миллий манзараси муаммоси², тилда баҳонинг ифодаланиши³, эстетик баҳо⁴, концептлар⁵ ва уларнинг назарий тадқиқига бағишланган талқинлар

²Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – Москва: Прогресс, 1984. – С. 43-400; Арутюнова Н.Д. Образ: опыт концептуального анализа // Референция и объемы текстообразования. – Москва: Прогресс, 1998. – С. 35-40.; Корнилов О.А. Языковая картина мира как отражение национальных менталитетов: дисс... автореф. канд. филол. наук. – Москва, 2000.; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Москва: Гнозис, 2004. – 390 с.;

³Вежбицкая А.Г. Понимание культур посредством ключевых слов.//А.Вежбицкая. – Москва: Языки славянской культуры, 2001. – 288 с.; Апресян Ю.Д. Избранные труды, том 1. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. 2-е изд., испр. и доп. – Москва: Школа языка русской культуры, 1995. – 380 с.; Кубрякова Е.С. Язык и знание: на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения: роль языка в познании мира. – Москва: Яз. славян. культуры, 2004. – 288 с.;

⁴Мякишева Е.В. Эстетическая оценка человека в современном русском языке: лингвистический и лингвокультурологический аспекты. – Омск, 2009.; Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику: учеб. пособие. – 2-е изд., испр. – Москва: Флинта: Наука, 2006. – 296 с.; Хроленко А.Т. Основы лингвокультурологии. – Москва: Флинта, Наука, 2009. – 181 с.; Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. – Москва: Флинта, Наука, 2010. – 282 с.

⁵Lakoff G. The Contemporary Theory of Metaphor/Metaphor and Thought – Cambridge: Cambridge University Press, 1993.; Мещерякова Ю.В. Концепт «красота» в английской и русской лингвокультурах: дисс...канд. фил. наук. – Волгоград, 2004. – 200 с.; Федотова Т.Н. Лексико-семантическое поле красоты в современном русском языке: дисс...канд. фил. наук. – Казань, 1999. – 150 с.; Попова З.Д. Язык и национальная картина мира. – Воронеж, 2003. – 60 с.; Окунева И.О. Концепт «красота» в русском и английском языках: автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 2009. – 45с.; Клинцева Ю.В. Лексико-семантические и когнитивно-деривационные аспекты гиперконцепта «красота». (на материале английского и русского языков): автореф. канд. филол. наук. – Краснодар, 2007. – 48 с.; Стернин И.А. Национальная специфика мышления и проблемы лакуарности //Связи языковых единиц в системе реализации: межвуз. сб. науч. тр. – Тамбов: ТГУ, 1998. – С.22-31.; Корнилов О.А. Языковая картина мира как отражение национальных менталитетов: дисс... автореф. канд. филол. наук. – Москва, 2000.;

хорижлик олимлардан В. фон Гумбольдт, Р.В.Лангакер, Дж.П. Лакофф, Н.Д.Арутюнова, В.И.Карасик, Е.С.Кубрякова, Ю.В.Мещерякова, И.О.Окунева, Ю.В.Клинцова, Т.Н.Федотова, Л.И.Захарова, А.А.Потебня, А.Г.Вежбицкая, Ю.Д.Апресян, И.Ф.Стернин, Ю.С.Степанов, В.А.Маслова, Н.Ф.Алефиренко, А.Т.Хроленко, Р.Н.Попова, Э.Ж.Муни, О.А.Корнилов тадқиқотларида кузатилади. Ўзбек тилшунослигида А.А.Абдуазизов, Д.У.Ашурова, Ш.С.Сафаров, М.Р.Галиева, А.Э.Маматов, М.Н.Холбеков, М.И.Расулова, Ў.Қ.Юсупов, А.А.Қамбаров, С.Р.Акбарова, Қ.Н.Назаров; тожик тилшунослигида А.В.Арзуманов, Д.М.Искандарова, Н.И.Каримова, Р.Р.Раджабова ишларида муайян даражада ўрганилган⁶.

Ю.В. Мещерякованинг «Концепт «красота» в английской и русской лингвокультурах» номли диссертацияси гўзаллик концептининг лингвомаданий таҳлилларига бағишланган бўлиб, ишда инглиз ва рус тиллари мисолида назарий ҳамда амалий жиҳатдан эътиборга молик таҳлиллари келтирилган. Мазкур изланишларимизда Ю.В. Мещерякова тадқиқотларидан фарқли тарзда инглиз, ўзбек ва тожик тилларида, яъни шарқ ва ғарб оламида «гўзаллик» концептининг лисоний хусусиятлари чоғиштирилди. Шунингдек, «гўзаллик» концептининг бадиий ҳамда диний матнларда ифодаланиши концептуал метафоралар нуқтаи назаридан ва фрейм таҳлиллари асосида илк марта тадқиқ этилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий-типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «гўзаллик» концептининг инглиз, ўзбек ва тожик тилларидаги миллий-маданий ҳамда лисоний хусусиятларининг муштарак ва фарқли жиҳатларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: «гўзаллик» концепти орқали лисонда намоён бўлувчи миллий-маданий хусусиятларнинг аксиологик моҳиятини аниқлаш;

⁶Абдуазизов А.А. О составных частях когнитивной лингвистики // Преподавание языка и литературы. – Ташкент, 2007. – №3. – Б.34; Ашурова Д.У. Перспективы научных исследований в свете новых направлений лингвистики//Филология масалалари, №4 – Тошкент, 2004. – С. 24-28.; Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006. – 98 с.; Галиева М.Р. Вербализация концептосферы word/ сўз/слово в английской,узбекской и русской языковых картинах мира: дисс... канд. фил. наук. – Ташкент, 2010. – 130 с.; Юсупов У. К. Теоретические основы сопоставительной лингвистики. – Ташкент: Фан, 2007.; Холбеков М.Н. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в контексте перевода, критики и восприятия): автореф. дисс...док. филол. наук. – Ташкент, 1991.; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? //Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари: илмий амалий анжуман материаллари. – Андижон – Тошкент, 2000. – Б. 56.; Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Ташкент: Фан, 2005. – 268 с.; Қамбаров Ғ.С. Баҳо муносабати ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши (шахслараро муносабат асосида): фил. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2008.; Арзуманов С., Сангинов С., Мирзоев Я. Забони тоҷик. – Душанбе: Маориф, 1988. – 240 с.; Искандарова Д.М. Исследование Ассоциативного поля толерантности в молодёжной среде Таджикистана// Международный журнал экспериментального образования. – Душанбе, 2015. – №8. – С.3.; Раджабова Р.Р. Сопоставительный анализ лексических единиц таджикского и узбекского языков (в условиях взаимодействия): автореф дисс... канд. филол. наук. – Душанбе, 2007. – 48 с.

инглиз, ўзбек ва тожик тилларида ифодаланган эстетик баҳонинг ўзига хос жиҳатларини қиёсий-чоғиштирма таҳлил асосида ёритиб бериш;

оламнинг лисоний концептлаштирилишида инглиз, ўзбек ва тожик халқларининг миллий менталитетларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни солиштириш;

оламнинг умумий лисоний манзараси фонидида уч тил луғат фондларининг бойиш йўллари аниқлаш;

ҳар учала тилда ифодаланган «гўзаллик» концепти семантикасини лексик, фразеологик бирликлар, шунингдек, мақоллар таҳлили асосида таснифлаш ва қиёслаш;

қиёсланаётган тилларнинг этник жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда лексик бирликларнинг миллий-маданий ва лисоний хусусиятларини аниқлаш;

инглиз, ўзбек ва тожик тилларида ифодаланган «гўзаллик» концептининг бадиий ва диний матнлар контекстларидаги универсал ва фарқли жиҳатларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти «гўзаллик» концептининг лексик, фразеологик ва контекстуал сатҳларда акс этган миллий-маданий, лисоний хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида инглиз, ўзбек ва тожик тилларида ифодаланган «гўзаллик» концепти лисоний хусусияларининг муштарак ва фарқли жиҳатлари ташкил этади

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-чоғиштирма, маданиятлараро чоғиштирма, концептуал, контекстуал-ситуатив, контекстуал-дистрибутив, таснифлаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инглиз, ўзбек ва тожик тиллари мақолларида акс этган “гўзаллик” концепти доирасида гўзаллик прототип маъноларининг *ботиний гўзаллик, зоҳирий гўзаллик, муҳит, ҳодиса, предмет гўзалликлари* каби аксиологик хусусиятлари асосланган;

чоғиштирилаётган тилларда “гўзаллик” концептига оид лексема ва фраземаларнинг пайдо бўлиши ва ўзгариши жараёнларида миллий қадриятлар таъсирининг сўз ясалишидаги деривацион жиҳати далилланган;

инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиядагида *гўзаллик, улузворлик, муҳташамлик* каби эстетик қадриятларнинг образли жиҳати “гўзаллик” лексик-семантик майдонини вужудга келтириши асосланган;

“гўзаллик” концептининг тилда воқеланишида ҳар учала халқнинг этник хусусиятига хос *табиат ҳодисалари, зоонимлар, ўсимликлар дунёси антропонимлар, таом номлари, диний антропонимлар, историзмлар, услубий хос сўзлар ва ижтимоий* мавзуларга оид лисоний бирликларнинг универсал ҳамда миллий-маданий хусусиятларининг концептуал изоморфик (муштарак) ва алломорфик (фарқли) жиҳатлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

компонент таҳлил асосида уч тил кесимидаги “гўзаллик” концептига доир лексик бирликларнинг миқдор кўрсаткичлари статистикаси аниқланган;

тилда кадриятлар ва баҳо ифодаланишининг хусусиятлари, лексик, фразеологик бирликларнинг деривацион ўзига хосликлари таҳлиллари натижасида аниқланган оламнинг эстетик миллий манзараси асосланган;

«Independent study skills» ўқув қўлланмасини яратиш жараёнида социоэффektiv ва когнитив компетенцияларни ёритиб бериш мақсадида олам манзарасини таҳлил қилишнинг зарурлиги таъкиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Мавзуга оид таҳлил материаллари қардош бўлмаган уч тил ҳамда миллий-маданий жиҳатдан яқин бўлган икки тил табиатидан келиб чиққан ҳолда чиқарилган хулосаларнинг асослилиги, республика ҳамда хорижлик олимларнинг назарий фикрларига таянилганлиги, методологик мукамаллиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуман материаллари, ОАК тасарруфидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, таъкиф ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лингвомаданиятшуносликда эстетик кадриятлар назариясининг тил, тафаккур ва маданият, баҳо ва унинг тилда ифодаланиши каби муаммоларини ечишда хизмат қилади. Лисоний эстетик баҳо тушунчаси, эстетик баҳонинг тилда акс этишига оид янгича ёндашувлар лингвомаданиятшунослик соҳасининг замонавий назариялар билан бойишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалардан замонавий тилшунослик, лингвомаданиятшунослик, стилистика, нутқ маданияти, матн лингвистикаси, таржима назарияси ва амалиёти, танлов фанлар бўйича дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар яратишда, курс ва битирув-малакавий ишларини ёзишда, магистрлик, докторлик диссертацияларини тайёрлашда, махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиядагида *гўзаллик*, *улузворлик*, *муҳташамлик* каби эстетик кадриятларнинг образли жиҳати “гўзаллик” лексик-семантик майдонини вужудга келтириши билан боғлиқ хулосалардан Ф-1-06-рақамли «Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези» мавзuidaги фундаментал лойихада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 17 сентябрдаги 89-03-3357-сон маълумотномаси). Натижада Шарқу Ғарб филологик анъаналарининг бир-бирига таъсири ва муштараклигини асослаш бўйича хулосалар чиқариш имконини яратган;

чоғиштирилаётган тилларда “гўзаллик” концептига оид лексема ва фраземаларнинг пайдо бўлиши ва ўзгариши жараёнларида миллий кадриятлар таъсирининг сўз ясалишидаги деривацион жиҳати тил эволюциясининг муҳим миллий-маданий фактори сифатида эксплицит ва имплицит намоён бўлиши билан боғлиқ хулосалардан ОТ-Ф8-062-рақамли

«Тил тараққийетининг деривацион қонуниятлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 январдаги 89-03-35-сон маълумотномаси). Натижада миллий қадриятлар ҳамда маданиятлар таъсирининг сўз ясалишидаги ўзига хос деривацион хусусиятлари борасида берилган тақлифлар лойиҳа ишини бажаришга хизмат қилган;

инглиз, ўзбек ва тожик тилларининг этник хусусиятларига хос *табиат ҳодисалари, зоонимлар, ўсимликлар дунёси антропонимлар, таом номлари, диний антропонимлар, историзмлар, услубий хос сўзлар ва ижтимоий* мавзуларга оид лисоний бирликлари миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири натижаси эканлигига оид хулосалардан 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (роман-герман филологияси) бакалавриат таълим йўналиши учун мўлжалланган «Independent Study Skills» номли ўқув қўлланмада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 октябрдаги 89-03-3774-сон маълумотномаси). Натижада «гўзаллик» концептига доир лексик, фразеологик бирликлар ҳамда мақоллар таҳлиллари асосидаги хулосалар ўқув қўлланмани мазмун жиҳатдан бойитишга хизмат қилган;

инглиз, ўзбек ва тожик тиллари мақолларида акс этган “гўзаллик” концепти доирасида гўзаллик прототип маъноларининг *ботиний гўзаллик, зоҳирий гўзаллик, муҳит, ҳодиса, предмет гўзалликлари* каби аксиологик хусусиятлари билан боғлиқ хулосалардан 50-05/89 рақамли «Таблиғи мероси фарҳанги тоҷикони вилояти Сурхондарё бар асоси омили ҳамбастағи ва таҳаммулпазири байни миллатҳо» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси тожик миллий маданий марказининг 2019 йил 21 октябрдаги 01-75-сон маълумотномаси). Натижада ҳар учала тил лисоний тасвиридаги «гўзаллик»нинг миллий маданий хусусиятлари таҳлиллари лойиҳанинг назарий маълумотлар билан бойишига хизмат қилган;

инглиз, ўзбек ва тожик лисоний тасвирида борлиқ гўзаллигининг эстетик қадриятларини аниқлаш орқали «гўзаллик» концептининг миллий-маданий ва маънавий хусусиятларига доир хулосалардан «Ўзбекистон» телерадиоканали «Бедорлик» дастури сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 14 декабрдаги О`z`к-1-225-сон маълумотномаси). Натижада инглиз, ўзбек ва тожик тилларидаги «гўзаллик»ни англлатувчи эстетик баҳонинг лисоний ифодаланиши бўйича берилган маълумотлар эшиттиришнинг фактик маълумотлар билан бойиши учун замин яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 34та илмий иш чоп этирилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та

мақола, жумладан, 10 та республика ва 4 та хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Олам миллий манзарасининг аксиологик хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида олам миллий манзарасида маданият ва кадриятлар ифодаси, лисонда баҳо тушунчаси, эстетик баҳо таҳлили ҳамда «гўзаллик» тушунчаси фалсафий-эстетик категория сифатида таҳлил этилган.

Инглиз, ўзбек ва тожик миллий маданиятида, концептлар таркибида, энг аввало, кадриятлар асосий узвни ташкил этади. Бундай ёндашув асосида жаҳон тилшунослигида бўлгани каби мамлакатимизда ҳам миллий тилларни антропоцентрик нуқтаи назардан таҳлил мактаби яратилди. Антропоцентрик йўналишдаги тадқиқотларнинг аксариятида олам манзарасига таъриф берилган. Жумладан, тилшунос олим А.Э. Маматов: «Дунё манзараси инсон мулоқоти учун биринчи даражали аҳамиятга эга, ...оламнинг лисоний манзарасида инсон марказий фигура сифатида гавдаланади. Оламнинг барча манзараси, инсоннинг бутун ҳаёти тилда акс эттирилади ва коммуникациянинг мазмуни бўлиб қолади»⁷, деб ёзади.

Рус тилшуноси В.И.Карасик фикрига кўра, концепт ва олам манзарасини англашда лингвомаданий йўналиш мақсадга мувофиқ, чунки концепт маданиятнинг асосий бирлигидир⁸. Немис файласуфи Г.Риккерт фикрича, фан маданиятни табиат белгиларидан фарқламоқчи бўлса, авваламбор, кадриятлар тамойилига асосланиши керак⁹.

Юқорида келтирилган фикрларни эътироф этган ҳолда «гўзаллик» концепти таҳлили учун оламини билишнинг уч асосий негизи (тафаккур, тил ва кадриятлар)га таяндик. Бунда илмий-тадқиқий таҳлил сифатида кадрият билан боғлиқ, образли ифодаланган ва фактларга таянган мазмун танланди. *Гўзаллик*ка табиатнинг бир бўлаги тарзида объектив нуқтаи назардан қаралса, уни қаерда муайян кўришимиз мумкинлиги ёки табиат уни қандай ифода

⁷ Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? //Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари: илмий амалий анжуман материаллари. – Андижон: Андижон, 2012. –Б. 212.

⁸ Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. 2-е изд. – М.: Гнозис, 2004.– С.96.

⁹ Риккерт Г. Науки о природе и науки о культуре: Пер. с нем./Общ. Ред. И предилс. А.Ф. Зотова – М.: Наука, 1998. – С. 32.

этиши диққатимизни тортади. Уни онгли мавжудотгина англаши, нафақат англаши балки ҳис этиши муқаррар. Онгсиз ва жонсиз мавжудот масалан, тош тошнинг гўзаллигини англамайди-ку! Инсон эса бир тошни иккинчисидан фарқлай олади. Бир тошга иккинчи тошдан кўпроқ қиймат, баҳо бериши биринчи тошни қадрлашидан далолат. Табиатдаги *садаф*, *ёқут* ўз функциясига ва қийматига эга бўлса-да, жамиятда эстетик қадрият сифатида инсон онгида қайта яралади ва инглиз тилида *eyes diamond, ruby lips*, ўзбек тилида *тишларнинг садафдек, лабларнинг ёқут* сингари гўзаллиги; тожик тилида *гавҳарнишон, гуҳарнамой, дури ятим, лаълмонанд, садафосо* каби лисоний тафаккур ҳосилалари эстетик аксиологик баҳонинг миллий стереотиплари натижасидир. Эстетик қадрга эга бўлган тош ўзбек ва тожик миллий олами манзарасини яратади, билим сифатида шаклланиб, ментал қурилмалар орқали лисонда ифодаланади. Зеро, маданият тушунчасида *қадр* омили муҳим ўрин эгаллайди. Аввало, инсоннинг ўзи ижтимоий ҳодисага қиймат бериб миллий онгини шакллантиради. Демак, идрокли жонзот сифатида инсон ўз тафаккурида *гўзалликни* жонлантиради, яъни баҳо беради, қадрлайди ҳамда ментал бирликлар ёрдамида уни белгилар орқали ифодалайди. Бу қадриятли ашёвийлик¹⁰ касб этиб, авлоддан авлодга етказиш жараёнида билимлар системаси – *фреймларни* яратади ёки тош фреймининг яна бир *эстетик слотини* ўзбек онгида шакллантиради. Зеро ушбу фрейм слоти бошқа миллий маданиятларда учрамаслиги мумкин.

Ҳар хил нарсалар, тушунча, воқеа-ҳодисалар умумий моҳиятига, инсонга кераклилик даражасига кўра муайян қадриятга эга. Баъзан бир предметда ҳам қадрият, ҳам иллат мужассамлашиши мумкин. Масалан, кўкнор дори–инсон учун малҳам, шифо; кўкнор–гиёҳванд модда.

Ю. Мещерякова тўғри таъкидлаганидек: «Қадрият инсон билан ўзаро муносабатдаги предметдир. Қадрият нарсанинг ўзи эмас, балки унинг ўзига хос, ижтимоий йўл билан мавжудлигидир»¹¹. Яъни *табиий* равишда мавжуд бўлган ҳодиса ёки нарсада қарор топган *ижтимоий муносабат* – объектнинг баҳоланган функционал ҳолати предметнинг қадриятга айланишини таъминлайди. Ҳолат объектив, инъикос (рефлексия) субъективдир. Жумладан, *қора ранг* 1) ўзбек миллий маданиятида ушбу ранг салбий коннотацияга эга: *қора кун, юзи қора, юраги қора, қора ният*. 2) инсон баъзи тана аъзоларининг сифатловчиси сифатида эса бу ранг эстетик ижобий маъно ифодалайди: *қора соч, қора кўз, қора қош* каби. 3) айна пайтнинг ўзида бу ранг ҳам ҳиссий рационал, ҳам ижобий эстетик маъно ифодалаши мумкин: *Ўзбекойим қора кийди* (А.Қодирий); *Қора костюм-шим Элчинни ҳам салобатли, ҳам нўрим кўрсатар эди* (Т.Малик).

Таъкидлаш лозимки, «баҳо» тушунчаси мазмуни, биринчи навбатда, тил белгисининг субъектив томони ҳақидаги тушунча билан боғлиқ. Тилда баҳони ифодаловчи бутун бир қатлам мавжуд. Масалан, турли тилларда «гўзаллик» тушунчаси ўзига *соғлом, яхши, тоза, бузилмаган, қулай, меҳрли*

¹⁰ Мещерякова Ю.В. Концепт красота в английской и русской лингвокультурах: дисс... канд.фил.наук.– Волгоград, 2004. – С. 22.

¹¹ Ўша асар. – Б.26.

каби белги-аломатларини ҳам сингдиради: *beautiful, comely, burly, fresh, lovely, fine, chic, elegant*.

«Гўзаллик нима?», «Нима гўзал?», «Ким гўзал?» каби саволлар дунёнинг ўзи каби қадимийдир. Бу саволларнинг жавоби Афлотундан тортиб токи бизгача ҳар бир кишини қизиқтириб келади. Бу саволлар, аввало, «гўзаллик»нинг фалсафий-эстетик моҳиятини англамоқни тақозо этади. Зеро: «Гўзаллик, – деб ёзади Б.Э.Хусанов, – «чиройли», «кўркем», «нафис», «жозибадор», «мафтункор» каби тушунчаларга нисбатан устуворроқдир»¹².

Ишимизнинг мазкур бобида Плотиннинг «Ақлий гўзаллик хусусида» асаридаги: «Гўзаллик илк гўзаллик ҳамда яхлитликдир, у ҳамма ерда яхлитдир»¹³ деган фикри ҳам таҳлилга тортилган. Олим яхлитликни гўзалликнинг муҳим унсури ҳисоблайди, бунда шакл ва мазмун уйғунлигини кўзда тутди. Яхлитликка (гештальт) гўзалликни идрок қилишнинг муҳим унсури сифатида қараш қисмларни рад этиш эмас, балки қисмлар таъсирида онгнинг яхлитликни қабул қилишидир.

Тадқиқотимизнинг иккинчи боби «**Инглиз, ўзбек, тожик миллий маданиятида «гўзаллик» концептининг тилда вербаллашуви**» деб номланган. Инсон фаолияти давомида тўпланган билим унинг онгида акс этар экан, бундай ментал репрезентация миллий-маданий фаолиятнинг акс этиши эканлиги ҳақида кўплаб олимлар фикр билдиришган. Жумладан, умумий ва назарий тилшунослик асосчиси В. Хумболт: «Бир тилнинг ички тузилиши ва ўзига хослиги миллат руҳининг ўзига хослигини тўлиқ кўра олиш қобилияти билан бевосита боғлиқ ҳодисадир»¹⁴ деган фикрни билдирса, Н. Ф. Алефиренко эса: «Тилда олам манзарасида акс этувчи, маълум маданият вакиллари учун муҳим бўлмиш объектлар ифодаланади, лисоний онгда эса ўша лингвомаданият учун аҳамият касб этувчи унсурлар муҳрланади»,¹⁵ деб ёзади. Н.Ф.Алефиренко миллий-маданий қадриятли манзарани майдон сифатида тасаввур этиш мумкинлигини таъкидлаб, унинг ядросини миллий когнитив база ташкил этади, деган хулосага келади¹⁶. Ш.Сафаров шу муносабат билан: «Сўз семантик структурасининг марказий қобиғини эгаллайдиган тушунча мундарижаси ва кўлами, худди маънонинг ўзи каби, миллийликка мойилдир»,¹⁷ деб айтади. Бунинг исботини алоҳида нарса-ҳодисаларнинг турли тилларда лисоний номланишидаги мавжуд фарқларда кўради. Биз ҳам мазкур олимларнинг фикрларини асосли деб биламиз, шу боис таклиф этилаётган *миллий қадриятлар образли майдони* лексик-семантик майдон учун асосий база ҳамда бу майдонни вужудга келтирувчи мотив эканлигини таъкидламоқчимиз.

¹² Хусанов Б.Э. Шахс ва жамият муносабатларида гўзалликнинг намоён бўлиш хусусиятлари: дисс... фал.фан.номзоди. –Т., 2004. –Б-12.

¹³ Лосев А.Э. История античной эстетики (Поздний эллинизм). –Москва: Наука, 1986. – С.148.

¹⁴ Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984. –400 с.

¹⁵ Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Москва: Флинта, Наука, 2010. –С 43.

¹⁶ Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Москва: Флинта, Наука, 2010. – С.104.

¹⁷ Сафаров Ш. Семантика. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б.91.

Миллий қадриятлар образли майдони назариясини ўртага ташлашнинг сабаби гўзаллик концептига оид мазмунни тушунтириш учун гўзаллик лексик-семантик майдонидаги сўзларнигина эмас, балки ҳар бир сўз ва контекстда мужассам миллий руҳни англаш муҳим. Яъни бир миллий маданиятдаги гўзаллик қадриятлари бошқа миллий маданиятда гедонистик (ёқади/ёқмайди), норматив (тўғри/нотўғри), этик (ахлоқ/ахлоқсизлик), психологик (қизик/қизикмас, ёқимли/ёқимсиз) ёки ксенологик (таниш, ўзимники/нотаниш, бегона) ҳисларини уйғота олади. Масалан, ўзбек халқ мақоли *Ерга рош, қизга қош* инглиз халқи учун ҳеч қандай маъно англатмаслиги ёки диссонансни вужудга келтириши ҳам мумкин. Бу майдоннинг ядроси ва периферияси мавжуд бўлиб, ядро когнитив база асосида, периферия эса предметларнинг ижтимоийлашуви натижасида замонга хос эстетик қадриятлар ҳосил қилишидир. Масалан, *кўз қошлари сурмали*. *Сурма* қора ранг стереотипи натижаси сифатида ижобий эстетик баҳони ифодалайди. Периферия эса кўчма маъно ифодаловчи образлар ва замон ўзгаришлари натижасида стереотипларнинг янгиланишини ўз ичига олади. Масалан, *She was glamorous with the material elegance – glamorous*.

«Гўзаллик» концептига оид инглиз, ўзбек ва тожик тилидаги лексик бирликлар таҳлили жуда муҳим. Улар қуйидагича гуруҳларга ажратилиб статистик таҳлил қилинди. Жумладан, инглиз тилида: от: beauty, grace, elegance ва б.; сифат: beautiful, pretty, handsome, ва б.; феъл: to beautify, to adorn, to ornament ва б. Ўзбек луғатларида: от: гўзаллик, ҳусн, чирой, ва б.; сифат: гўзал, чиройли ва б.; феъл: чирой очмоқ, кўркамлашмоқ ва б. Тожик луғатларида: от: зебой, ҳусн, б.; сифат: зебо, зўхраҳад, б.; феъл: ороиш қардан, оростан, осо қардан ва б.

Тилларда гўзаллик семантик майдонининг ядросидаги сўзлар этимологик жиҳатдан таҳлил этилган. Масалан, *beauty* сўзи инглиз тилига (bealte) француз тилидан ўзлашган бўлиб, *bellus*, яъни *bonum–яхши* маъносини ифодаловчи сўздан олинган. Ўзбек тилининг этимологик луғатида *гўзал* сўзи эса *хушрўй*, *ҳусндор* маъноларини англатиб аслида қадимги туркий тилдаги «*назар сол*» маъносини англатган. Тожик тилида *zeb* сўзи этимологик жиҳатдан тожик тилига тааллуқли, *ороиш* маъноларини билдиради. Компонент таҳлил асосида English Language Dictionary Collins Cobuild¹⁸, Longman Dictionary of Language and Culture¹⁹, Webster's New World Dictionary²⁰, Ўзбек тилининг изоҳли луғати²¹, Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ²² луғатларига асосланган ҳолда, гўзаллик лексик-семантик майдонидаги сўзлар таҳлил этилди.

1. Инглиз тилида:

¹⁸ English Language Dictionary. Collins Cobuild. – London, 1992. –1768 p.

¹⁹ Longman Dictionary of Language and Culture. Longman Group, UK, 1992. – 1528 p.


²⁰ Webster's New World College Dictionary . 4th edition. – USA, Cleveland: World Publishing Company, 2001. – 1664 p

²¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев, Э.Бегматов таҳрири остида. – Тошкент, 2006-2008 йй.

²² Назарзода С., Сангинов А., Ҳошим Р., Рауфзода Х. Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ. Т. I,II.–Душанбе: Пажҷишиҳоқи забон ва адабиёти Рӯдакӣ, 2008.



2. Ўзбек тилида:



3. Тожиқ тилида:



Ўзбек ва тожиқ тилларида юз, рӯ(ӣ) сўзининг услубий маънодошлари (башара, жамол) бу тилларнинг деривацион имкониятларини кенгайтирган. Ўзбек ва тожиқ тилидаги юз сўзи синонимлари орқали қўшма сўз ясалиши тилнинг лексик қатламини бойитганлигини кузатдик, аммо инглиз тилида бу ходиса санокли сўзлардагина учрайди.

Шунингдек, ўзбек юз, ораз, рухсор, чеҳра, жамол ва тожиқча рӯй, ораз, чеҳра, жамол, рух, рухсор, тинат сўзлари ўзидан олдин «гул-, моҳ-, ой-» аффикслари қўшилиши натижасида «гўзаллик» тушунчасини англатувчи кўчма маънодаги сўзларни ясайди. Улар ижобий эстетик баҳо ифодалаш билан (моҳчеҳра, гулчеҳра, гулжамол, ойрухсор) ўзига хос. Юз, рӯ(ӣ) лексик-семантик майдонида маънодош бўлган сўзлар миллий қадриятлар образли майдонида антонимлик хусусиятини юзага келтирмоқда. Яъни чеҳра сўзининг маънодоши бўлган башара айнан шу сўзнинг ўзига эстетик баҳо нуқтаи назаридан зид. Бундан ташқари ўзбек ва тожиқ тилларида қўшма сўзларнинг кўплиги миллий қадриятлар образли майдонидаги тимсоллар орқали вербаллашиш натижасидир. Инглиз тилида гўзаллик лексик-семантик майдонида жуфт сўз сон жиҳатдан жуда санокли: *good-looking, barbie-doll, cheese-cake, apple-cheeked, light-footed*. Инглиз тилидаги бирликларда жинс(гендер) ва ёшга хослик ўзбек ва тожиқ тилларидек аниқ ифодаланади (*handsome, pretty*). Ўзбек ва тожиқ тилларида эса услубий бўёқ, поэтик услубий хусусият лексик бирликлардаги гендер хусусиятларни равшанроқ ифода этади (моҳчеҳра, моҳчамол, латофат).

Табиат объектлари бўлган предметлар энди қайта жонланиб эстетик, этик қадриятни касб эта бошлайди. Масалан, табиат ходисаси бўлмиш гул ва унинг очилиши жараёни ўзбек ва тожиқ тилларида қайта мазмун касб этиб тилда гўзаллик стереотипи сифатида жонланади ҳамда гўзаллик табиатдаги динамика концептуал метафораси орқали вербаллашади (гулдек, гулдек очилмоқ, очилиб сочилмоқ, /гул гул шукуфтан). Худди шундай ҳар учала тилдаги гўзаллик миллий қадриятлар образли майдонида мавжуд

кадриятларни таҳлил этиб, уларни мавзувий гуруҳларга ажратдик: 1.Хуснга эгалик; 2.Ўзига тортувчи куч, яхши ҳодиса, қалб ва кўнғил истайдиган; 3.Тоға ва иллатсиз; 4.Мисли кўрилмаган, ҳайратга солувчи; 5.Ҳайвонот, қушлар ва ҳашарот ва б. Ҳар учала тилдаги категорияларнинг вербаллашуви учун тил ўзига хос прототип образлардан фойдаланади. Масалан, ўзбек ва тожик тилларида ўсимлик ва табиат категорияси: гул, раъно, сарв, лола, нарғис, гунча, баҳор образлари орқали, инглиз тилида айти шу категория *daisy, lily, damask rose* прототип образлари орқали вербаллашмоқда.

Фразеологик бирликлар орқали *гўзаллик* тушунчасини ифодалашнинг имконияти мазкур тилларда ҳам ўзига хос ва ранг-баранг.

Инглизларда инсоннинг гўзал кўриниши *Sweets to the sweet; out of this world; graceful as a swan; eye-appeal; feast one's eyes on* каби ибораларда мужассамланганлигини кузатдик. Ўзбекча ибораларда эса қуйидагича: *кўз(и)га ўтдай кўринмоқ; кўзни қамаштирмоқ; кўзга ташиланмоқ; кўзга яқин бўлмоқ*, ва ҳ. Тожик тилида *гўзаллик* концептига оид соф фразеологик бирликлар қуйидагилар: *обу ранг; ба ҳусни чамол паридан; рўй панҷаи офтоб; чор кас бинад сер мешавад* каби. Шунингдек, инглизлар негатив мазмундаги «арзанда» тушунчасини инсон тана аъзолари гўзаллиги орқали ифодалайди: *the blue eyed boy; the golden (white) headed boy; the fair-haired*. Ўзбек тилида *қора кўзлар* мазмуни орқали азиз ва кадрли инсонлар назарда тутилади.

Инглизча иборалар *beautiful as lily; as rose in June; as May* сингари табиатни, ёз ва баҳорни кадрлаш ёки *like candy, honey, fresh bread, cheese-cake* сингари гастрономик образларда эталонлар ҳосил қилади.

Ўзбек лингвомаданиятида аёллар гўзаллиги *кун деса кундек* каби табиат образлари, *сув ичса, томоғидан кўрингудек; бир қултум сув билан ютгудек* каби гастрономик, *дугторнинг торидай* каби ибораларда предметларнинг нозиклиги кадрланади.

Аёл ва эркак гўзаллигини фразеологик ибораларда ҳар уч тилда илоҳий ва афсонавий образларга қиёслаш мавжуд. Масалан, инглизча: *Young Greek god, like Aphrodite, Venus, angel*; ўзбекча: *Юсуфдек, Алпомишдек, париваш, санам*, малак тожикча: *Юсуфрў, Рустамнамо, пари, санам, малак*, каби мисолларда кўринди. Фикримизча, *мафтун бўлмоқ, лол бўлмоқ, кўзни ололмай қолмоқ* иборалари инглиз, ўзбек ва тожик лингвомаданиятига хос универсалликдир: *eye appeal, have one's eyes glued on; ўзига ром этмоқ, ақли касеро бурдан*.

Мақолларда гўзалликнинг ифодаланиши орқали *гўзаллик* муайян, лекин субъектив эканлигига гувоҳ бўламиз. Ўзбек халқи маданияти учун муҳим бўлган гўзаллик образлари инглиз маданияти учун муҳим бўлмаслиги мумкин. Шунга кўра мақоллар тўрт гуруҳга бўлиб ўрганилди:

1. *Гўзаллик* табиатда мавжуд, у муайян ва гўзаллик инсоннинг борлиқни англашида муҳим роль ўйнайди. *Beauty is a living thing; a good face is a letter of recommendation; Яхши ҳусн – ярим бахт; Рўйи хуш – калиди дарҳойи баста*.

2. *Гўзаллик* субъектив эстетик баҳо сифатида англашилишини куйидаги мақолларда кўриш мумкин . *Every mother thinks her own gosling a swan*; Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига; *Ба ҳар кас бачаи худаш хушрўй менамояд*;

3. *Гўзалликнинг* қодир кучидан фойдаланиб, инсон *этик қадриятларни* баҳолашда *эстетик лексикондан* фойдаланади: *Pretty is as pretty does*; *Етмиш гўзалликнинг битмаси – меҳнат*; *Сурапро чй кунам, набошад сурат*,

4. *Гўзалликка* ортикча интилиш сунъий гўзаллик –хунуклик натижасидир: *Jackdaw in peacock's feathers*; *Пардозни пардоз бузар*; *Кал бошга шамшод тароқ*; *Хар гули атлас пўшад ҳам хар аст*.

Мақоллардаги «гўзаллик» концептини гўзаллик образлари ифодалайди: Инглиз тилидаги: *fine feather, coral, gosling, swan, fair lady, velvet, peacock, fine dish*; ўзбек тилида: *гул, лола, кийик, ой, нақиш, дарахт, мева, барг, дутор, терак, хол*; тожик тилида: *риш, калид, атлас, сурат* ва ҳ.

Меҳнат, камтарлик, оила қадри, қиз бола қадри, фарзанд, меҳр-оқибат ўзбек ва тожик мақолларида *гўзаллик* сифатида қадрланади. Инглиз мақолларида *муҳаббат, хушхулқ, камтарлик, зоҳирий гўзалликнинг алдамчи* эканлиги қадрланса, ботиний гўзалликнинг муҳимлиги ҳар уч миллат тафаккурида прототиплашган. Айниқса, *қиз болани* авайлаш уни тарбиялаш, гўзал қилиш ўзбек мақолларида равшанроқ муайянлашган: *Гул ўсса – ернинг кўрки, қиз ўсса – элнинг кўрки*. Инглиз ва тожик тилларида эса эстетик кадр *либос* орқали баҳоланилганлиги мақолларда учради: *The tailor makes the man*; *либоси нав ороши, ҳамроҳи нағз осоиши*.

«Инглиз, ўзбек, тожик миллий маданиятидаги «гўзаллик» концептининг контекстда ифодаланиши» деб номланган учинчи бобда гўзаллик концептининг бадий матнларда воқеланиш хусусияти, «Қуръони карим» оятларида ифодаланиши, «Инжил» матндаги инъикоси контекстуал асосда таҳлил этилди. Гўзаллик куйидаги 5 ҳолатда тилда лексик-грамматик ўзига ҳосликда вербаллашади: 1) инсон ва бошқа предметларнинг ташки кўринишини баҳолаш; 2) эшитиш орқали баҳоловчи маъно; 3) инсон хатти-ҳаракатини эстетик баҳоловчи маъно; 4) таъм, ҳид ва тактил сезгилари орқали ёқимли шахсий тажрибаларни ифодалайди (инглиз тилига хос прототип); 5) инсоннинг ахлоқий жиҳатларини эстетик ижобий баҳоловчи маъно.

Ҳар бир 5 ҳолатнинг фойдаланиш жараёни ўзининг фреймига эга. Чунки лексик-грамматик шакл ва категориялар фрейм кўрсаткичлари сифатида мавжуд бўлади²³. Яъни, юқорида кўрсатилган 4-ҳолат инглиз тилининг ўзига хос хусусияти бўлиб, *taste beautiful, find attractive, feels beautiful* сўз бирикмалари орқали нутқда намоён бўлади ҳамда ўзбек ва тожик тилидан фарқ қилувчи фреймларни ҳосил қилади. Масалан,

1. *Beautiful, гўзал, зебо* 1. Объектнинг чиройга эгалигини ифодалайди. Унинг фрейми: Субъект–кўриш (белги ва миллий-мазмунли сигналлар, стереотип) – объект – ҳис. 1-а. Бу объект яхши ёқимли; 1-б. Унинг

²³ Сафаров Ш. Семантика. –Т.: ЎзМЭ, 2013. –Б. 160.

тузилиши менга ёқади ва яхши белгиларга, сигналларга эга; 1-в. Шу сабабли ўзимни яхши ҳис қиляпман (хайратланияпман, жилмайяпман).

Юқорида эътироф этилган ҳиссий жараёнлар концептуал метафораларда ёрқин ифодаланган. Ж.Лакофф ва М.Джонсон фикри ҳам метафорик коцептларнинг концепт образли таркибини шакллантиришини тасдиқлайди. Ж. Лакофф, М. Джонсон, Герард Стин, Раймонд Гибс, Н.Д. Арутюнова, В.Телия, А. Вежбицкая, Д.У.Ашурова, М.Р. Галиева концептуал метафора назариясида метафора когнитив жараён бўлиб у тилда акс этишини таъкидлайди. Метафоралар тафаккур асосларининг калити ҳамда оламнинг фақат миллий ўзига хослигини яратувчи эмас, балки универсал образни шакллантирувчи ҳамдир²⁴. Илмий тадқиқотимизда «гўзаллик» концептини воқелантирувчи метафоралар турли хил эканлиги аниқланди: *нур, ранг; муҳаббат, меҳр; оҳанрабо, жозоба кучи; ҳарорат, олов; гул* ва б.

Инглиз, ўзбек ва тожик тафаккуридаги бир хил, яъни ўхшаш мезонлар миллатлараро универсалликни тақозо этса-да, бу мезонларни воқелантирувчи миллий мазмунли образлар алломорфдир. Яъни, ҳарорат-олов концептуал метафораси ҳар учала тилда ҳар хил вербаллашади. Инглиз тилида *flame, blaze*; ўзбек тилида эса *тандирдан янги узилган кулчадек ёнган ёноқлар* образида гўзаллик объектининг *азиз, қадрли ва гўзал* маънолари жонланади. *Истараси иссиқ* ибораси ҳам ўзбек ва тожик миллий кадриятлар образли майдондан жой олган прототип бўлиб ташқи чиройни ифодалашда ўзига хос мазмунга эга. Худди шундай концептуал метафора бўлмиш *гўзаллик меҳр, муҳаббат* универсал метафора бўлса-да, лисоний мазмунни ифодалаш учун турли тилларда ҳар хил йўллари танлайди. Инглиз тилида гўзаллик, муҳаббат мезони сифатида воситасиз *love, adore* сўзлари, (*lovely, adorable*), ўзбек ва тожик тилларида эса воситали *дил (кўнгил, юрак)* сўзи орқали (дилбар, дилдор) вербаллашади.

В. Шекспир гўзалликни ёрқин нур, ёруғлик концептуал метафораси сифатида тасаввур этади. Гўзаллик XVI-XVII асрлар нуктаи назаридан оловли фонуслар сифатида тасаввур этилиб, тасаввурий қоришма (*blend*)-фонуслар ёқилган тасаввурдаги балл майдони ҳосил бўлади. Ромеонинг Жулеттага илтифоти ҳам (*Thou dost teach the torch to burn bright*) шу нуктаи назардан яралади. Ромео нутқини вужудга келтирувчи омиллар блендлар, яъни тасаввурий қоришмалар: *ёрқин нурли гўзаллик–устоз; фонуслар – шогирд*; иккиламчи блендлари эса аввалдан мавжуд бўлган *гўзаллик нур* концептуал метафораси орқали авторга хос индивидуал метафора тўқилишига замин яратади. Сонетлардаги *thy shadow... like a jewel hung in ghastly night*(27); *I tell the day, to please him thou art bright; when sparkling stars twire not thou gildst the heaven* (28) каби авторнинг концептуал олам манзараси²⁵ инглиз миллий олам манзарасида *гўзалликнинг ёруғлик, нур* концептуал метафора (*twinkling blue eyes*) сифатида мустаҳкамланишида

²⁴ Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс//Теория метафоры:Сборник под ред. Н.Д. Арутюновой и М.А. Журиной. –М.: Прогресс, 1990. – С. 5-15.

²⁵ Ashurova D.U. Conceptual metaphor in the literary text//Филология масалалари.–Тошкент, 2018.–№1,– С.34.

хамда кейинги метафоралар яралишида замин ҳозирлайди. Бунинг натижасида ориентацион метафора яъни *beauty-up* тушунчаси ибораларда ўзини намоён этади: *pin up girl; doll up; make up*.

